
сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди

Жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг раиси А.Омонов, туман судининг судьяси Х.Ибрагимходжаев ва жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг раиси А.Миножиддиновлар иштирокида 2024 йил 24 январь куни Учкўприк тумани Маданият саройида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди. Сайёр суд мажлисида Учкўприк туман прокурори ўринбосари Ж.Тўйчиев, Бувайда туман прокурори ёрдамчиси Ж.Ғанижонов, Учкўприк тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори капитан Ғ.Юлдашев, Бувайда тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори капитан Х.Нажмиддинов ҳамда Учкўприк ва Бувайда туманлари ИИБ Пробация гуруҳлари назоратида жазони ўтаётган маҳкумлар, ёшлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Сайёр судда Учкўприк тумани ИИБ Пробация гуруҳининг ҳисобида турган 9 нафар шахсга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш юзасидан материаллар ҳамда Бувайда тумани ИИБ Пробация гуруҳининг ҳисобида турган 19 нафар шахсларга нисбатан ишлар кўриб, улардан 18 нафар шахсга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш юзасидан, 1 нафар шахсга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини оғирроқ жазога (озодликдан маҳрум қилиш) жазоси алмаштириш юзасидан материаллар кўриб чиқилди.

2024-02-26 08:22:28